

## ЁШЛАР ВА ЖАДИДЧИЛИК

**Бекзод Ибрагимов**

1991 йилда туғилган. 2022 йилда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг магистратура босқичини тамомлаган.

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги ўзбек шеърятининг ёрқин вакиллари саналган Нажмиддин Эрматов, Хуршид Абдурашид, Шаҳриёр Шавкат, Баҳодир Баҳром, Исломжон Кўчқоров, Насрулло Эргашларнинг Ватан, эрк ва Турон бирлиги мавзуларидаги шеърлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, иккинчи қисмда ҳозирги ёш шоирлар улги олган улуғ аждодларимиз – жадид шоирлар ижодидаги айна жиҳатлар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар ижоди, шеър, жадидчилик, Турон, Нажмиддин, Шаҳриёр, Хуршид, Фитрат, Чўлпон, озодлик, эрк, ижод.

Бугун бировга шеър ўқитиш осон эмас. Айниқса, шеърый китоб сотволиб, уйига бориб ётволиб ўқийдиганлар анқонинг уруғидан ҳам камёб бўлса керак. Битта-яримта қолган бўлса, зудлик билан “Қизил китоб”га киритиш керак. Чунки яқин-яқингача китоб қўлтиқлаб юрадиган танишларим ҳам у “жиннилиги”ни аллачақон ташлаб юборган. Ҳамманинг кўзи телефонда, интернет титкилайди. Ижтимоий тармоқлардаги каналлар орқали ўқийди ҳаммасини. Сал каттароқ дostonни мутолаа қилишни кўнгли тусаб қолса, электрон вариантини қоғозга чиқариб олади, тамом. Бир марта ўқиб, ташлаб юборверади. Яна ўқигиси келса, қайта чиқариш муаммо эмас-ку...

Тан олиш керак, мен ҳам охири вақтларда ижтимоий тармоқлар орқалигина эълон қилинаётга шеърларнигина ўқийдиган бўлганман. Шунинг учун ҳам бугунги ёшлар шеърятининг умумий манзарасини ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган ижод маҳсулларига қараб белгилашга мажбурман. Менимча, тўғрисиям шу бўлса керак... Фикримнинг тасдиғи учун айтиб қўяй, ҳозир тўртта шеър ёки беш-олти ҳикоями, қўйингки, 10-15 та мақола ёзган ижодкорнинг ҳам виртуал оламда шахсий саҳифаси, блоги, канали бор.

Камина ҳам ёш ижодкорларнинг 20-30 тасини телеграмда, қолганларини фейсбукда кузата туриб, уларнинг янгича ёндашувлари, топаётган рамз ва сифатлашлари, шакл ва мазмун турфаликларидан ўзимча ҳайратга тушаман. Бир томондан қувонганим, улар изланяпти, интиляпти, энг муҳими, ўсяпти... Иккинчи томондан, айрим ҳолларда ҳавойиликка, ортиқча дабдабозликка

берилиб қоляпти. Келинг, яхшиси, шеърият учун абадий мавзулардан бўлган ватан, эрк, мустақиллик борасида ёзилган ижод намуналарига бир қур назар солиб чиқамиз. Мен таҳрирга тортмоқчи бўлаётган шеърлар ижтимоий тармоқлардан олингани боис уларнинг манбасини интернетдан излайсиз. Айримлари ҳеч ким ўқимайдиган китобларда чоп этилган бўлиши мумкин, аммо айримларини...

Таҳлилимизни яқинда битта шеъри билан медиа оламини “портлатиб юборган” Нажмиддин Эрматов ижодидан бошласак. Ахир 3 ой олдин 258 тагина обуначиси бор телеграм канал бугунга келиб соф 3200 дан ортиқ кузатувчига эга бўлиши осон эканми? Ундан ташқари, жойланган шеърларни кўришлар, улашишлар сони ҳам бир неча ўн баробарга ошиб кетди...

Н.Эрматов шеърларида ишқий лирикадан кўра кўпроқ Ватан учун ёниш, миллат тақдири учун қайғуриш, эркни, озодликни мустаҳкамлаш учун интилиш каби мавзулар ўрин олади. Шоирнинг “Майна тухум очди булбул инида” деб бошланувчи шеърида айна шу оғриқли жиҳатлар акс этади.

Майна тухум очди булбул инида,  
Чечаклар ундирди ажнабий тобут.  
Не учун эрк ҳақда ўйлайман бунда,  
Мустақил бўлган-ку аллақачон юрт<sup>1</sup>.

Шоир Мустақилликни фақат урра-уррачилик, шиорбозлик, баландпарвоз гапларда эмас, амалда, барча учун бирдек шароит яратиб берилган демократик жамиятда кўради. Мустақил юртда яшаб, эркни ҳис эта олмаслик, ҳали ҳам эски тузумни кўмсайдиганлар борлигидан, жоҳилларнинг оддий халққа зуғумидан, айрим одамларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий эркин бўла олмаётганидан дарак беради, гўё.

Ёғийга тегишли забон кетса ҳам,  
Бу туркий элат деб таниса ҳам дун.  
Ҳалиям бошимда дордек турибди,  
Шарифим боғлаган гажаксимон дум.

Тўла эркин бўлиш учун эски тузумнинг барча кераксиз ва ялтироқ унсурларини тугатиш лозим, деб ҳисоблайди шоир. Тилимизнинг обрўси

<sup>1</sup> <https://t.me/sherSehri/14978>

ошгани, давлат тили сифатида мустақамлангани яхши, аммо босқинчи давлат тилининг ҳали ҳам таъсири сезилиб тургани шоир кўнглини ғаш қилади.

Шеърнинг кейинги бандларида эркисизликни билдирувчи жиҳатлар, халқ сиёсий жиҳатдан мустақил бўлгани билан чин маънодаги эрка, қалбан уйғоқликка эриша олмаётгани тилга олинади. Совет даврининг энг баттол сиёсатларидан бири бўлган баландпарвозлик, хушомадгўйлик, ёлғон мактовлар, қўшиб ёзиш, йўқ нарсани бор деб кўрсатиш каби иллатлар бор экан, биз тўла эркин бўлолмаймиз, демокчи бўлади шоир. Шеърдаги бадий бўёқлар воситасида берилган сатрлардан англанадиган энг аччиқ ҳақиқат шуки, халқнинг қалб кўзи очилиб, миллат ва юрт тақдирини ўйламас экан, Ватандаги ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этиб, ўз сўзини баралла айтолмас экан, барча маънавий иллатлар Истиклолнинг истиқболига соя солиши мумкин.

Кимдир кўз тикса ҳам, аниқки, миллат,  
Душманнинг йўлини тўсишга қодир.  
Аммо бекларининг ройига боқсам,  
Негадир кўзимдан ёш сизаётир.

Ҳа, бу миллатнинг кучу қудрати чексиз. Ҳар қандай душманга бас кела олади. Аммо шоирнинг ҳадиги улар орасидан сараланиб чиқаётган кимсаларнинг илму амалида...

Шоир, нималар деяпсиз? Агар шу шеърингизни ўтган асрнинг 30-йилларида ёзиб қўйганингизда борми, нақ НКВДнинг ертўласида ўтирган бўлардингиз. Ҳеч ким сизнинг “мен давлатга эмас, айрим корчалонларнинг баъзи қинғирликларига қаршиман, мана, халқимизнинг, давлатимизнинг куч-қудратига ишониб турибман-ку”, деганингизга қараб ўтирмасди. Тушуниб-тушунмай, шундоқ сиёсатга қарши кўярдию, кейин...

Нажмиддин Эрматов ижодининг асосий йўналишини шу каби шеърлар ташкил этади. Хусусан, “Бир ёқда...” деб бошланадиган шеърда ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари бадий услубда ифода этилади. Унда ҳам шоир жамиятнинг ўткир муаммолари: давлатни талаётган амалдорлар, йўқчиликдан хорижга иш излаб кетаётган ёш йигит-қизлар, бепарволик, лоқайдлик касалининг урчиб кетгани, ёлғончилик, каззобликнинг кўпайиб бораётганини қаламга олади. Бу бир қарашда Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеърини ёдга солади. Аммо ундан фарқли равишда бу юрт мустақил, аллақайси ёвлар томонидан топталмаган. Ривожланиш, юксалиш учун имконият етарли. Аммо халқнинг, одамларнинг бепарволиги, фақат ўз манфаатини ўйлаши юртни таназзулга тортмоқда.

Бир ёқда ҳаммаси ўткинчи гўё,  
Бир ёқда ҳар бири жон беришга тенг.  
Бир ёқда измидан қўймайди дунё,  
Бир ёқда бир ёққа кетгинг келар сен<sup>1</sup>.

\*\*\*

Ёзувчи дўстимиз Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романи эълон қилинган пайтдаёқ ўқиганмиз, аммо ҳалигача ўзимга кела олганим йўқ. Бу асар таҳлили алоҳида мавзу бўлгани учун “Қўрқма” романидан таъсирланиб ёзилган шеър ҳақида тўхталишни маъкул кўрдик. Хуршид Абдурашид қаламига мансуб “Қўрқма муждаси” шеъри Чўлпону Фитратлар, Қодирий, Бехбудий, Авлонийлар, Элбек, Боту, Олтойлар орзу қилган жамиятда яшаб туриб, кўнглимизда қандайдир ҳадик билан ўтганимиз ҳақида. Рост сўзни сўзлашга, мардларимизни асрашга, аждодларга муносиб авлод сифатида улар изидан боришга, эркимизни баралла қуйлашга, ҳатто, қўрқувимизни ошкор этишга ва тан олишга қўрқиб яшаганимиз ҳақида, бу шеър.

Инсон ўзи тутқун бўларкан токи  
Озод бўлолмагай хаёл, идроки.  
Ҳаёт шундай эди ростданам ёки  
Хаёлни ҳам озод қилишга қўрқдик<sup>2</sup>.

Шоир мустақилликнинг илк йилларида қўйилган кўплаб тақиқлар, очарчилик, қаҳатчилик, матбуотга қўйилган яширин цензура, шеъриятдаги баландпарвозлик, ортиқча хушомадгўйлик кабилар халқ кўнглига қўрқув солиб қўйганини ва бундан қутулиш осон бўлмаётганини таъкидлайди. Шеър якунида бугун замон ўзгаргани, сиёсат ўзгаргани, аммо халқ ҳам ўзгариши кераклиги, йўқса, қалбдаги қўрқувдан қутулиб бўлмаслигини ёзғиради:

Қўрқма. Қўрқув билан яшама ортиқ,  
Елкангни тутиб бер миллатга ахир.  
Унинг дардларини, оғриқларини  
Сен ҳам кўтармасанг, ким кўтаради?

<sup>1</sup> [https://t.me/Najmiddin\\_Ermatov/625](https://t.me/Najmiddin_Ermatov/625)

<sup>2</sup> <https://t.me/xurshidabdurashid/3721>

Миллат дардини кўтариш осон эмас. Унга бир кишининг кучи ҳам, умри ҳам етмайди. Зеро, бутун бошли миллат яраланса, даво учун йиллар, даволаш учун масиҳ қўллар лозим бўлади. XX аср бошларида таназзулга учраган миллатимиз дарди ҳам оғирдан-оғир эди. Унга шифо бўлмоқчи бўлганлар бир-бир қатағонга учрагач, яралар шундоққина ёпиб қўйилди, силаб-сийпалди. Ичдан йиринглаб, пинҳона азоблаб ётаверди, ётаверди... Даволовчи топилмади. Қақшатқич азоб бутун танага тарқаб, уни қулатай-қулатай деганда, Мустақиллик шабадаси эсиб, ҳақиқий малҳам сурила бошланди. Шукрки, бу дард қалбимизни емиришга улгурмаган экан, яна қаддимизни тикладик. Ўзлимизни унутмаган эканмиз, шууримиз яна жонланди. Энди фақат яқдил бўлиб, бир муштга айлана олсак, бас. Хуршид Абдурашиднинг “Шоирнинг туркий кўшиғи” шеърида ҳам айни яқдиллик ғояси илгари сурилади:

Туркий юрагим бор, туркий шуурим,  
Ҳатто рухим туркий, ўзга шоним йўқ.  
Мушт бўлиб тугилган қўлларим туркий,  
Водариғ, биргина Туркистоним йўқ<sup>1</sup>.

Шунингдек, Баҳодир Баҳромнинг сарлавҳасиз бир шеърида шундай мисраларни учратиш мумкин:

Бўғзимни куйдирган шу жоним, дейми,  
Туркистоним дейми, Туроним дейми,  
Барчасини жамлаб инсоним дейми,  
Мусулмоним дейми, имоним дейми?  
Ҳаққа етиб борса гар саловатим,  
Номингга дуолар қилгайман хатм<sup>2</sup>.

Туркистон, Турон – бу мамлакатимизнинг энг қадим номларидан бири. Биз ҳақли равишда улар билан фахрланамиз, ғурурга тўламиз. Аммо бугун ҳам дунёга ўз сўзимизни айтадиган, аждодларга муносиб ворис сифатида ривожланган давлатлар қаторидан жой оладиган вақт келди. Фақат олға қадам ташлаш, боболаримиз хотирасини ёд этган ҳолда, замонавий дунёда ўз ўрнимизни эгаллашимиз керак. Шу ҳислар таъсирида тўлғонган жон шоир бўғзини куйдиради.

<sup>1</sup> <https://t.me/xurshidabdurashid/1861>

<sup>2</sup> <https://t.me/sherSehri/15031>

Ёки Исломжон Қўчқоровнинг “Уйғон” шеъри ҳам айни шу мавзуда. Халқнинг қалб кўзини очишга, кимлигини, қандай алломалар, саркардалар авлоди эканини эслатишга уриниш бор:

Уйғон эй она юрт, уйғон эй Турон,  
Кимлигингни айтсин бу кўҳна тупроқ.  
Уйғонсин номусинг, кўксингдаги шон,  
Ва ишон,  
Ва ишон!  
Ҳақлилар ичинда ҳақлисан кўпроқ<sup>1</sup>.

Шеърдаги мазмун сатрма-сатр кучайиб борар экан, шоир ботир эл фарзандларини уйғонишга даъват қилишда давом этади. Ориятини, ғурурини оширишга ҳаракат қилади. Муродга етгунча ортга қайтмаслик лозимлиги, улуғ аждодлар қўллаши борасида ёза туриб, шеърни шундай якунлайди:

Муродга етгунча изингга қайтма,  
Бир ўзинг минг чоғлик қўшиндек тизил.  
Жон берсанг шу Ватан номини айт ва  
Йиқилма,  
Йиқилма!  
Тик туриб узил!

Воҳ, шоир, юракнинг бир парчасини чимчилаб узиб олдингиз-ку... Бир кишининг “минг чоғли қўшиндек тизилиши” зўр топилма бўлибди. Тик туриб жон бериш эса жасоратли аждодларимизга хос мардоналик.

\*\*\*

Ҳозирги замонавий адабий жараённи кузата туриб, бундай ижод намуналарини кўплаб кузатиш мумкин. Уларнинг аксарияти янгилик яратишга уринишлар, айримлари сўз эркинлигининг таъсиридан ҳаволанишга ҳам ўхшаб кетади. Аммо нима бўлганда ҳам катта шеърят пайдо бўлар экан, тарихга, аждодларнинг орзу-армонларига мурожаат қилиш, бугунги муаммоларни ҳоҳ бадий бўёқлар, киноялар билан, хоҳ очикча айтиш давом этаверади. Вақти келиб авлодлар уларни саралаб олаверади.

Ёш шоирлардан Шаҳриёр Шавкатнинг исёнкор руҳдаги ашъорларидан тилингиз куяди. Юрак дупури каби ритмидан гоҳ кўнглингиз тўликса, гоҳ

<sup>1</sup> <https://t.me/sherSehri/14153>

бўғзингизга алам тикилади. Шоир, сал пастга тушинг, бунча ҳаволанасиз, дегингиз келади. “Юртга бир-икки оғиз гап” шеъридаги “Бу ерда мен борман! Ҳаққим бор! Хўш, нима?” каби иддаоларининг кимга қаратилаётганини англолмай ўйланасиз. Ростдан ҳам шоирнинг айрим шеърлари сўз эркинлигидан ҳаволаниб кетишга ўхшайди, айримлари шеър эстетикасига зид (масалан, “Етмича”ни ўқиб кўринг...). Аммо Шаҳриёрнинг изҳорлари самимий, ошқора маддоҳликдан бир неча чақирим йироқ, куюнчаклиги, дахлдорлик ҳисси юқори. Буни шеърида ҳам акс эттирган:

Тарафингни олсам, тарафкаш, мутаассиб...  
Шарафингни олсам, мунофиқ, мухолиф...  
Ҳозир сени севиш – илм олишга тенг иш,  
Мен шўрликда игна йўқ  
Ва ҳеч кимга керакмас қудуқ...<sup>1</sup>

Булардан ташқари яна кўплаб ёш ижодкорлар шеърларида ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳи тўлиб-тошиб ётибди. Алибек Анварий, Сухроб Зиё, Жонтемир Жондор, Муҳаммад Сиддиқ, Санжар Эшмуродов каби шоирлар ижодини ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб, тасаннолар айтмай илож йўқ. Аммо уларнинг қанчаси қолади, қанчаси вақт шамолларида совурилиб кетади, буёғини биздан кейинги авлодларгина билишади... Нима бўлганда ҳам Ватан тақдирига дахлдорлик, юрт келажаги учун қайғуриш ёш шоирлар ижодида асосий мавзулардан бирига айланаётгани кишини қувонтиради. Кўпроқ кўнгил кечинмалари шоири деб ҳисоблайдиганим Насрулло ижодида ҳам шундай мисралар бор:

МЕНГА БИР ТИЛ ЕТАР,  
сўнг битта ёзув –  
қисмат битигидан кўра қадимроқ,  
сизга кимлигимни айтмоғим учун.  
Майли Турон атанг,  
Туркистон атанг,  
озод Ўзбекистон қолсин абадий –  
ўлсам қучоғига олгувчи ватан!<sup>2</sup>  
\*\*\*

<sup>1</sup> <https://t.me/sherSehri/15720>

<sup>2</sup> <https://t.me/sherSehri/10789>

Замонамиз шоирларининг бу каби шеърларини ўқий туриб, беихтиёр жадидлар ёдга тушади. Ватан, миллат, озодлик, тараққиёт, истиқбол... Бу сўзлар XX аср бошларида жадид алоломаларининг энг асосий мақсади, ғояси ва маслаги бўлган. Уларнинг ҳар бир ҳаракатида, ижодида, ниятида, ибодатида, Яратганга дуоларида ҳам ана шу мақсаду муддаолар ўз ифодасини топган. Шеърятда анъанавий шаклдан кўра ижтимоий мазмунга асосий урғу берганининг сабаби ҳам аслида шу. Фитрат “Адабиёт қоидалари”да ёзганидек, “Шеърнинг шеър бўлишинда вазн ва қофиянинг дахли йўқдур. Вазну қофияси бўлуб, шеър бўлмаган парчалар бўлгани каби вазну қофиясиз (сочим) шеър парчалари-да кўбдур”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам жадид адиблари бадиий адабиётни ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари йўлидаги энг муҳим воситалардан бири сифатида танлашди.

Чўлпоннинг “Туркистон мухторияти” ташкил топган кечада битган мадҳияси, Фитрат, Элбек, Боту, Ҳамза, Авлонийларнинг ўтли шеърларида тарқоқ юртнинг бирлашиши, тарқоқ Туркистон элининг яқдил бўлиши, босқинчиларга қул эмас, ўз ерига хўжа бўлиб, адл туриши каби эзгу мақсадлар бор эдики, уларни гоҳ ошкор, гоҳ рамзий йўсинда ижод намуналарига жойлаб боришарди. Халқ кўзини очиш, эл қаддини кўтариш, ёвга қарши туришнинг асосий йўлларида бири адабиёт, шеърят эканини яхши билишарди. Фитратнинг “Юрт қайғуси” туркуми остидаги сочма шеърларини ёдга олинг. Қандай ҳароратли, қандай оғриқли, қандай дардли... Юрт олдида, таланган Турон олдида ўзини гуноҳкор санаб, кўнглини борича очади шоир. **“Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир”**, дея ўтли нола қилади.

Жадид шеърятда Туркистон, Турон каби истилоҳлар тез-тез учрайди. Чўлпон “Туркистон мухторияти”нинг мадҳиясига айланиб кетган “Озод турк байрами” шеърда “Туркистонлик — шонимиз, туронлик — унвонимиз, Ватан — бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!”, деб баралла қўйлаган бўлса, Фитрат ҳам халқ тарихи, кимлигини унутмаслиги лозимлиги ҳақида қуйиниб ёзган эди:

Биз киммиз? Олтой тоғининг ўктам, алп арслонлари!

Ернинг энг улкан ботирлари, энг улуғ хоқонлари!

Отга минсак, титрар “урҳо”миз эшитган тоғ, денгиз,

Олға чопсак, бош эгар ёвнинг бутун эл-хонлари.

Биз қилич чекканда душман тупрок, узра бош қўяр,

Биз юриш этганда арслон тулкилар янглиғ қочар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Фитрат. «Адабиёт қоидалари». Танланган асарлар. 4-жилд. Тошкент. Маънавият. 2006. 14-бет.

<sup>2</sup> Н.Каримов. “XX аср адабиёти манзаралари”. Биринчи китоб. Тошкент. Ўзбекистон. 2008. 391-392-бетлар.



Эътибор беряпсизми? Бугунги ёш ижодкорлар шеърлари билан қанчалар ҳамоҳанг. Миллат ғурурини, юрт шонини кўтариш ҳар икки авлод вакилларининг муштарак мақсадидир. Бу эса янгиланаётган Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган авлоднинг шаклланиб келаётганидан дарак беради ва кишини ғоятда севинтиради. Зеро, касалланган тананинг яраси битиши учун янги соғлом хужайралар туғилиши ва ривожланиши лозим. Шундагина соғлом миллат, мустаҳкам давлат барпо этилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Н.Каримов. “XX аср адабиёти манзаралари”. Биринчи китоб. Тошкент. Ўзбекистон. 2008. 391-392-бетлар.
  2. Aristotel. Poetika. –Т.: —Adabiyot va san’atl. 1980.
  3. Boltaboyev N. Fitrat va jadidchilik – Т.: —O\_zbekiston Milliy kutubxonasi. 2007.
  4. Fitrat. She’r va shoirlig // Tanlangan asarlar. 4-jild. – Т.: —Ma’naviyat. 2006.
  5. Фитрат. «Адабиёт қоидалари». Танланган асарлар. 4-жилд. Тошкент. Маънавият. 2006. 14-бет.
  6. Qosimov B. Milliy uyg\_onish. Jasorat, ma’rifat, fidoyilik. – Т.: —Ma’naviyat. 2002.
  7. Umurov N. Adabiyot nazariyasi. – Т.: —Sharq. 2002.
- Интернет манбалари
8. [https://t.me/Najmiddin\\_Ermatov/625](https://t.me/Najmiddin_Ermatov/625)
  9. <https://t.me/sherSehri/14153>
  10. <https://t.me/sherSehri/14978>
  11. <https://t.me/sherSehri/15031>
  12. <https://t.me/xurshidabdurashid/1861>
  13. <https://t.me/xurshidabdurashid/3721>